

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК:372.811.111.1

**АБДУЖАББАРОВА Замира Рустамовна**

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИДА  
ҚЎШИМЧА МАТНЛАР ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.05 – Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси  
(инглиз тили)

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун  
тақдим этилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент – 2012

Иш Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган

**Илмий раҳбар:** педагогика фанлари номзоди, профессор  
**Жамол Жалолович Жалолов**

**Расмий оппонентлар:** педагогика фанлари доктори, профессор  
**Юзликаев Фарит Рафаилович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент  
**Ахмедова Лайлохон Толибжоновна**

**Етакчи ташкилот:** **Наманган давлат университети**

Ҳимоя Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги  
К.067.18.02 рақами ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил “\_\_\_”  
куни соат \_\_\_ да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 100070, Тошкент,  
Юсуф Хос Жошиб кўчаси, 103-й. Телефон: (99871) 254-92-02. E-mail: tdpu-  
kengash@inbox.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-  
ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,  
педагогика фанлари номзоди, доцент

Ш. С. Шарипов

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикасида янги таълимий йўналиш – академик лицей ва касб-хунар коллежи жорий этилди. Касб-хунар коллежи узлуксиз таълим тизимида муҳим ўрин тутади. Бу ҳақда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида касб-хунар коллежининг узлуксиз таълим тизимидағи мақоми кўрсатиб ўтилган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичида ўқувчилар турли касбларнинг илмий-амалий асосларини, кичик мутахассисликлар даражасида зарурий касбий билим, кўнишка ва малакаларни эгаллаб борадилар. “Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билими, кўникларини ривожлантириш, танланган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллаш имконини беради”<sup>1</sup>.

Касб-хунар коллежи (КҲҚ) шароитида кичик мутахассислар тайёрлаш, маълумки, мураккаб ва айни пайтда масъулиятли ишдир. КҲҚда билимли мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ўрганиладиган чет тил маълум даражада таянч вазифасини ўтайди. Таълим стандартлари ва ўқув дастурлари талабига кўра, ўқувчилар умумий ўрта таълим мактаблари дастури материалини такрорлаб, уни бироз кенгайтирилган, бойитилган ҳажмда мустаҳкамлаш ва янги ўқув материалини ўзлаштириш кўзда тутилган. Ўқувчилар бўлажак касбига оид қўшимча матнларни ўқиб-ўрганиб борсалар, умумий билим савиялари янада кенгаяди, билимга бўлган эҳтиёжлари тўлиқ қондирилади. КҲҚ ўқувчиларига инглиз тилида қўшимча матнлар ўқитиш технологияси ҳозиргача махсус тадқиқотга тортилмаганлиги, бинобарин, бу муаммо илмий нуқтаи назардан ўз ечимини топмаганлиги инглиз тилини ўқитиш жараёнида муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Ўқувчиларнинг тили ўрганилаётган мамлакат(лар) маданияти билан яқиндан танишиш имконияти чекланган. Ўқув дастурларига киритилган мавзулар тўлалигича ёритилмаган, дарслик ва ўқув қўлланмаларига соҳавий матнлар деярли киритилмаган.

Замонавий ахборотларни акс эттирган матнларни дарсликдаги мавжуд матнларга қўшимча сифатида ўқитиш пировард мақсадимиздир. Қўшимча матнлар ўқитишнинг аҳамияти шундаки, КҲҚда жорий этилган дарслик ва қўлланмалардан ўрин олган касбга оид матнлар қисман берилиб, улардаги мавжуд ахборотни тўлдириш айнан соҳавий қўшимча матнлар ўқитиш орқали амалга оширилади. М.И. Гадоева ва Л.Х. Сайитова томонидан яратилган қўлланмалар таркибида тақдим этилган материалларда касбий матнлар умуман берилган эмас. Маълумки, дарслик ва қўлланмалардан ўрин олган матнлар амалий мақсадни рўёбга чиқаришга мўлжалланиши ва ўқувчилар касбий салоҳиятини оширишга хизмат қилиши керак. Ахборот

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 47.

технологияларининг жадал ривожланиб бориши сабабли янги ахборотларни ўқув қўлланма ёки дарсликларга киритиб улгуриш имконияти мавжуд эмас. Шу боис, КҲҚ ўқувчилариға инглиз тилида қўшимча матнлар ўқитиш бугунги қундаги долзарб методик масалаларданdir.

Кўшимча матнлар нафакат соҳавий матнлардан иборат, балки ўқув дастуридан ўрин олган мавзулар доирасидаги маданиятлараро мулоқотни таъминловчи турли газета ва журнал мақолалари, дунё янгиликлари кабиларни ҳам қамраб олади.

КҲҚ чет тил таълимида матн ўқиб ахборот олиш, маълумки, амалий мақсад ҳисобланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўқувчилар таркибида 7%гача нотаниш сўз бўлган чет тилдаги матнларни ўқиб тушуна олишлари лозим<sup>2</sup>. Бироқ КҲҚ ўқувчиларининг бугунги билим савияси, юмшоқ айтганда, бу талабга жавоб бермайди. Чунки уларнинг аксариятида, тажрибаларнинг кўрсатишича, чет тилга бўлган қизиқиш сусайиб бормоқда. Айнан ўқувчилар қизиқиши ва чет тилни ўрганишга бўлган мотивациясини кучайтириш йўлида инглиз тилида қўшимча матнлар ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиши мақсад қилиб қўйдик. “Кўшимча матн” термини “Дарсликдагилардан ташқари қўшимча ўқиши учун мўлжалланган ўқув матни” тарзида тушунилади.

КҲҚ ўрта умумтаълим мактабларидан кескин фарқ қилиб, чет тил ўқитишда ўқувчиларга тор соҳадаги лексик бирликларни ўргатиш орқали уларни тили ўрганилаётган мамлакат(лар) урф-одати, маданияти, санъати, тарихи ва, албатта, касб-кори ҳақида тил соҳиби билан бўладиган табиий мулоқот жараёнига тайёрлаб борилади. Бу дегани, КҲҚда, умумтаълим мактабларида шакллантирилган нутқий кўникма ва малакаларга қўшимча тарзда, мутахассисликка оид лисоний ва нутқий компетенция билан куроллантириш талаб этилади.

Таълим тизимида қўлланаётган турли педагогик технологиялар орасида қўшимча матн ўқитиш инглиз тили машғулотларининг жонли ва қизиқарли бўлишини таъминлайди, бошқача айтганда, ўқувчиларнинг чет тилга қизиқишини оширади.

Шуни айтиш жоизки, чет тилда чоп этилган дарслик ва қўлланмалардаги соҳавий маълумотлар КҲҚ ўқувчилари учун етарли эмаслиги, ўқитувчининг илфор методик усуллардан фойдаланмаслиги ўқувчининг чет тилга қизиқишига салбий таъсир кўрсатиши муносабати билан қўшимча матн ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишига эҳтиёж сезилади. Кўшимча матн ўқувчиларни унинг мазмуни асосида сухбат қуришга, ўз муносабатини билдиришга ундейди.

КҲҚ ўқувчилари қизиқарли ва фойдали ахборотларни қўшимча матн орқали ўзлаштиришади. Шу сабабли ўқувчининг бўлажак касбига оид қўшимча ўқишига матн танлаш ёки тузиш долзарб масалалардан саналади.

Тадқиқот мавзусининг **долзарблигини** белгилашда қуйидаги илмий-методик мулоҳазаларга асосландик:

<sup>2</sup> Илиева Л.К. Чет тил таълимида изчилликни таъминлаш технологияси. – Тошкент: ТДПУ, 2009. – Б. 24.

- қўшимча матн ўқитишнинг лингводидактик талқини ҳозиргача кўриб чиқилмаган;
- чет тилда КҲҚ ўқувчиларига қўшимча матн ўқитиш масаласи назарий ва экспериментал жиҳатдан яхлит тарзда ўрганилмаган;
- КҲҚда инглизча матн ўқиши ўргатиш методикаси замон талаблари даражасида ишлаб чиқилган эмас;
- коллежлар учун чет тилда, хусусан, мусиқа ва маданият йўналишларида таълим олаётган КҲҚ ўқувчилари учун инглиз тилида қўшимча соҳавий матнлар маҳсус танланмаган ва тузилмаган;
- инглиз тилида қўшимча матнларни ўқитишнинг инновацион технологияси яратилмаган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар олимлари томонидан чет тилда матн ўқитиш муаммолари тадқиқ этилган (М. Уэст, И.А. Зимняя, Е.И. Пассов, С.К. Фоломкина, Ж.Ж. Жалолов ва б.). Т.М. Николаева, М. Йўлдошев, И.Р. Гальперин, З.Я. Тураева X. Вайнрих, Г.В. Колшанский, С.А. Васильев ва бошқалар томонидан матншуносликнинг лингвистик муаммолари ўрганилган. С.А. Мисировнинг “Касб-хунар колледжларида инглиз тили ўқитишнинг лингводидактик асослари” ва Н.Д. Ширинованинг “Инглиз тили дарсларида академик лицей ўқувчиларининг билиш фаоллигини ошириш” мавзуларида ҳимоя қилинган номзодлик диссертациялари ўқувчиларда лисоний кўникумларни шакллантиришга қаратилган. Бу каби умумметодик муаммолар сўнги йилларда ҳалқаро, минтақавий ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда ҳам муҳокама қилиб келинмоқда.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикасида чет тилдан узлуксизликни таъминлаш концепцияси доирасида олиб бориладиган Тошкент давлат педагогика университети “Чет тил ўқитишнинг долзарб муаммолари” илмий-тадқиқот ишлари режасига кирган ва ТДПУ Илмий кенгашида (27.03.2008 йилдаги 8-мажлис баённомасида) тасдиқланган.

**Тадқиқот мақсади:** касб-хунар колледжи ўқувчиларининг инглиз тилида қўшимча матнлар ўқиши малакаларини шакллантириш орқали бўлажак кичик мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини кўтаришни назарий ва экспериментал асослаб бериш.

### **Тадқиқот вазифалари:**

- инглиз тили дарслик ва қўлланмаларидан ўрин олган матнларни методик нуқтаи назардан таҳлил қилиш;
- тавсия этилаётган инглизча касбий матнларнинг ўқувчилар бўлажак касбий фаолиятида қўл келадиган билим, кўникум ва малакаларни шакллантиришдаги аҳамиятини тажриба-синов йўли билан аниқлаш;
- КҲҚ ўқувчиларига инглиз тилида қўшимча матн ўқитиш орқали уларда чет тилга қизиқиши кучайтириш;
- тадқиқот давомида ишлаб чиқилган методик кўрсатмаларни амалиётга татбиқ этиш тамойилларини белгилаш;

– КҲҚ ўқувчилариға инглиз тилида қўшимча матн ўқитишнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот обьекти:** касб-хунар коллежи шароитида ўқувчиларга инглиз тили ўқитиш жараёни.

**Тадқиқот предмети:** КҲҚ ўқувчиларининг касбий малакаларини инглиз тилида ўқиладиган қўшимча матнлар воситасида бойитиш ва маданиятлараро мулоқотни таъминлаш.

**Тадқиқот методлари:** тадқиқот давомида педагогика, психология ва чет тил ўқитиш методикасида тан олинган методларнинг тадқиқот мақсадига мос келувчи жиҳатларидан фойдаланилди, чунончи: таълим-тарбия жараёнини кузатиш; тадқиқот мавзусига оид адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; сўровнома ўтказиш; тажриба-синов; математик статистик таҳлил.

**Тадқиқотнинг илмий фарази:** КҲҚ шароитида жорий ўқув кўлланмалар материалларидан ташқари ўқувчиларга инглиз тилида қўшимча матнлар ўқиш ўргатилса, таълим самарадорлигини оширишга эришилади.

**Тадқиқотнинг методологик асосини** Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари ва маърузаларида баён қилинган мавзуга оид фикрлар, чет тил ўқитишдаги педагогик, психологик ва лингводидактик назариялар ташкил қиласди.

#### **Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

1. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида қўшимча матнлар ўқитиш орқали умумтаълимий ва касбий компетенцияларининг шаклланиши.
2. Касб-хунар коллежлари шароитида қўшимча матн ўқиш кўнишка ва малакаларини шакллантириш жараёнининг ўзига хослиги.
3. Инглиз тилида қўшимча матнларни танлаш/тузиш методик муаммо сифатида ҳал этилганлиги.
4. Касб-хунар коллежлари ўқувчилариға инглиз тилида қўшимча матнлар ўқитиш замонавий технологияси.

#### **Илмий янгилиги:**

1. Ўқувчиларга қўшимча матн ўқитиш лингводидактик илмий муаммо сифатида назарий жиҳатдан ва экспериментал тарзда асослаб берилди.
2. КҲҚ ўқувчилари қўшимча матн ўқитишнинг ҳозирги аҳволи ўрганилди ва таҳлил қилинди ҳамда матлуб мазмуни аниқланди.
3. Касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган қўшимча матнлар “Supplementary reader” методик қўлланмаси яратилди.
4. Ўқувчиларга қўшимча аутентик (танланган) ва адаптация қилинган (тузилган) матнлар ўқитиш технологияси ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** КҲҚда қўшимча матнлар ўқитиш технологиясидан фойдаланишининг илмий-методик асослари ишлаб чиқилди; тавсия этилмиш инглиз тилида қўшимча матнлар ўқитиш технологияси ўқувчиларининг касбий фаолиятларини шакллантиришдаги ўрни аниқланди; маданиятлараро мулоқотни таъминлашда қўшимча матн ўқитиш обьектив зарурат эканлиги асосланди; КҲҚда инглиз тили ўқитиш сифати ва

самарадорлиги ортишига қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди; КХҚнинг инглиз тил ўқитувчилари учун методик қўлланма чоп этилди. Ишлаб чиқилган КХҚ ўқувчиларига инглиз тилида қўшимча матнлар ўқитиш технологияси чет тил ўқитиш методикасида янги илмий саҳифа сифатида ушбу фаннинг янада такомиллашувига хизмат қиласди.

**Натижаларнинг жорий қилиниши:** тадқиқотнинг назарий хуносалари ва материалларидан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими (академик лицей ва КХҚ)да инглиз тили ўқитиш миллий асосларини тайёрлашда ҳамда мазкур ўқув юртида тиллар таълими самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар кўламини кенгайтиришда фойдаланиш имконияти мавжуд.

Тажриба-синов майдончаси сифатида Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи, Тошкент маданият коллежи, Ҳамза номидаги Республика мусиқа коллежи, шунингдек, Термиз санъат коллежи, Гулистон санъат коллежида кузатиш ва тажриба-синов ишлари олиб борилди ҳамда кўлга киритилган илмий-методик натижалар мазкур ўқув муассасаларида жорий этилди.

**Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси).** Илмий ишнинг асосий тадқиқот мазмуни ва моҳиятига оид натижалар Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси (2009), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (2009), Тошкент Маданият институти (2010), Андижон давлат университети (2010), Тошкент давлат педагогика университетида (2010-2011), ташкил этилган илмий анжуманларда маъруза қилинди. ТДПУ “Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси” кафедрасида (22.06.2011), ЎзДЖТУ “Тиллар ўқитиш методикаси” кафедрасида (14.10.2011 йил 2-сонли баённома), Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Инглиз тили ўқитиш методикаси ва амалиёти” кафедрасида (24.02.2012 йил 1-сонли баённома), ТДПУ ҳузуридаги К.067.18.02 рақамли Бирлашган кенгаш қошидаги илмий семинарда (17.04.2012 йил 3-сонли баённома) муҳокамадан ўтказилди.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация бўйича жами 19та, шу жумладан, КХҚ учун 1та методик қўлланма чоп этилди, “Infocom.uz” журналида 3та, “Мактаб ва ҳаёт” журналида 1та, “Тарбия” журналида 1та, “Касб-хунар таълими” журналида 1та, “Педагогик таълим” журналида 1та, халқаро, минтақавий ва республика илмий анжуманлари тўпламларида 9та, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналида 1та, Россия Федерациясининг “Высшее образование сегодня” (Москва) журналида 1та мақола эълон қилинди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** диссертация кириш, уч боб, умумий хуносалар, методик тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. КХҚ ўқувчиларига қўшимча ўқитиш учун бта матннинг дарс ишланмаси, тажриба-синовда иштирок этган ўқувчилар сони жадвал кўринишида ҳамда тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили иловада тақдим этилган. Диссертациянинг умумий ҳажми 163 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарбилиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методлари, илмий фарази, методологик асоси, химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилингандиги, диссертацияни тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Биринчи боб “**Матн лингвистикаси ва матн лингводидактикаси муаммолари**” мавзуси остида бўлиб, матн терминининг лингвистик ва лингводидактик талқинларига оид илмий маълумотлар баён этилган. У “Матн лингвистикаси” терминига изоҳ билан бошланиб, бир қатор методист ва тилшуносларнинг “Матн”, “Матн лингвистикаси” терминларига нисбатан кўллаган турли таърифлари таҳлил этилган.

Фанда “матн” таърифида икки йўналиш кузатилади, унга психологик ва лингвистик жиҳатдан ёндашилади. Ҳар иккаласида ҳам муштарак томон сифати матнни нутқ оқимининг парчаси, деб тан олинишини кўрсатиши мумкин.

Матн – кўп ўлчовлидир, унинг исталган бўллагига кўп марта қайтиш мумкин. Агар нутқ жараён бўлса, матн икки ёқлама табиатга эга, яъни у ҳам статик, ҳам динамик хусусиятга эга. Агар нутқнинг замонда мавжудлиги шу нутқнинг талаффуз вақти билан чегараланган бўлса, матннинг мавжудлиги амалий жиҳатдан ҳеч нарса билан чегараланмаган.

Замонавий тасавурларга кўра, матн нафақат тил бирлиги, у реал воқелик феномени, тил системаси элементлари ёрдамида воқеликни акс эттириш усули ҳамдир. Шу билан бирга, матн мулоқот (коммуникация)нинг асосий бирлиги, ахборот сақлаш ва узатиш воситаси, маданиятнинг мавжудлик шакли, маълум тарихий давр маҳсулни, индивид ҳаётининг акс этиши ҳамдир.

Г.В. Колшанскийнинг фикрича, матн яратиш жараёни алоҳида жумлаларни шакллантириш эвазига эмас, балки мантиқий мазмунни етказиб бера олиш билан амалга ошади, бу эса коммуникантлар орасида фикр алмашиш предмети бўлган маълум вазият тавсифидан иборат яхлит матнни узатишга тааллуқли<sup>3</sup>. Айнан мазмуннинг яхлитлиги ва глобаллиги конкрет иборанинг танланишини белгилайди ва у ибораларнинг бутун бирлиги, яхлитлиги билан мустаҳкамланади, унинг тугалланганлиги, информативлиги каби идрокнинг бир ёқламалигини таъминлаши керак.

Матн лингвистикаси матншунослик, риторика, поэтика, прагматика ва семантика предметлари билан ҳам ўзаро алоқада. Ушбу йўналиш бўйича В.В. Виноградов, М.М. Бахтин, Г.О. Виноградов, И.Р. Гальперин, Р. Якобсон, Б.М. Эйхенбаум ва яна кўплаб олимларнинг асарларидан маълумот олиш мумкин.

<sup>3</sup> Колшанский Г.В. Коммуникативная функция и структура языка. – Москва, 2007. – С. 89-125.

Айтиш жоизки, замонавий лингвистика айнан матнни асосий масала сифатида баҳолар экан, уни тушуниш жараёни алоҳида аҳамият касб этади.

*Матнни ўқиб тушунишининг биринчи даражаси* таржима билан боғлиқ. Матнни таржима қилган мутаржим муаллиф ғоясини тушуниши мумкин, бироқ уни аслиятда берилган мазмунидан зиёда қўшиб ёзиши мумкин эмас.

*Матнни ўқиб тушунишининг иккинчи даражаси* – шарҳлаш. Уни қуйидаги схемада бериш мумкин: аслият матни = таржима матни + шарҳ матни. Иккинчи даражада матнни тушуниш факат унинг мазмунини бошқа тил воситалари билан айтиб бера олиш ва шарҳлаш эмас. С.А. Рейсернинг ёзишича, шарҳ қайси ўқувчилар тоифаси учун мўлжалланмасин, у ҳамиша ўқувчига матнни тушунишга ёрдамлашиши керак. Шарҳнинг вазифаси асар контекстини қайта яратиш ва тавсифлашдан иборат<sup>4</sup>.

*Матнни ўқиб тушунишининг учинчи даражаси* – изоҳлаш. Изоҳлаш (интерпретация, талқин)нинг вазифаси, аввало, асар мазмунини чуқур англаш, муаллиф ғоясини имкон қадар адекват тушуниш ва уни ўқувчилар асарни ўқишдан топадиган маъно яхлитлиги билан қиёслаш, муаллиф яширишга уринган, тўғридан-тўғри айтишни истамаган ё айта олмаган, ифодалай олмаганини яққол кўринишда тақдим этишдан иборат. Янги матн – изоҳ матни бўлиб, у оригинал матнда мураккаб кодланган маъно барча учун тушунарли тил воситалари ёрдамида бериладиган бир планли асар сифатида шаклланади. Изоҳ аниқлик ва бир маънолиликка интилади.

Матнни тушуниш усулларини шакллантиришнинг тўрт босқичи мавжуд<sup>5</sup>:

*Биринчи босқичда* кўпроқ битта асосий усул – ўзига ўзи савол бериш ҳамда унга матндан жавоб топиш кўлланади ва баъзан антиципация усулидан фойдаланилади. Одатда бу усуллар ўқитувчи иштирокида кўлланилади.

*Иккинчи босқичда* ўқувчилар матнни айтиб бериш учун асосий ғояларни ажратиш ва матннинг мантиқий структурасини англашга оид маълум малакаларини намоён қиласди. (Матнни айтиб бериш – мақсад эмас, балки тушунишни ўргатиш воситаларидан бири, холос). Саволларни мустақил қўйиш энди фақат ўқитувчининг талаби эмас, балки ўқувчининг матндан олган ахборотларни нутқда кўллаб, матнни гапириб бериш ва саволларга жавоб бера олиш учун билим олишга, материални тушуниш ҳамда уни эслаб қолишга ҳаракати билан ҳам ифодаланади.

*Учинчи босқич* учун ўқувчиларнинг матнни яхшироқ тушунишга, мазмун масаласини ҳал қилишга, номаълумни англашга, матндан жавоб топиш, матндаги ахборотни мустақил идрок этишга интилиши характерли. Бу босқичда асосий усуллар ўз-ўзига савол қўйиш ва жавоб топиш, тахминлар орқали матн мазмунини очишдан иборат.

*Тўртинчи босқичда* матнга танқидий муносабат билдирилади. Ниҳоят, матн мазмунини англаш чоғида юзага келадиган психологик ҳолат – ақлий фаолият ва бунда юзага келадиган қийинчиликларни енгишга тайёрлик ҳолати билан кечади. Айтиш жоизки, ушбу усул қўшимча матнларни ўқитиш

<sup>4</sup>Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени. – Москва: Просвещение , 1970. – С. 336.

<sup>5</sup>Доблаев Л.П. Смысловая структура текста и проблемы его понимания. – Москва: Педагогика, 1982. – 176 с.

жараёнида ўқувчиларда мотивацияни кучайтиришга ва тадқиқот мақсадига эришишда қўл келади.

Матнни тушуниш муаммоларига бағишлиланган тадқиқотларда қўйидаги икки ҳолат эътироф этилган: матнни тушуниш ўқувчи томонидан шу матнда акс эттирилган реал воқелик предметлари ўртасида алоқалар ўрнатиш дегани; матнни тушуниш ҳамма вақт ўқувчининг тажрибасига, жумладан, унинг сўз маъноларини билиши, матн мазмунини ёритишга кўмаклашадиган гаплар мазмунини, ижтимоий-маданий контекстни тушунишига таянади.

Матн ўқитиш – матнда мавжуд мазмун, ғоя, фактларни олиш, уни тушуниш, баҳолаш, олинган ахборотдан фойдаланишни ўргатишdir. Ҳар бир алоҳида ҳолатда кўпроқ ўқишининг маълум стратегиялари ҳақида гапиришга тўғри келадики, улар ўқувчининг мақсадлари, матн ёки контекст типига боғлиқ бўлади.

Нимани тилнинг асосий бирлиги деб ҳисоблаш ҳақида мунозара яқин пайларгача анъанавий ёндашувларда давом этиб келган.

Биринчи ёндашув тилнинг асосий, “zero context” шароитида намоён бўладиган бирлиги сўз деб тан олинган. Ушбу ёндашув доирасида “ўт” (олов) сўзини ёзувчи ва ўқувчи позицияларидан ўрганаар экан, X. Вайнрих сўз семантикасининг тўрт қонунини қўйидагича талқин этади: 1. Ҳар қандай маъно кенгайган. 2. Ҳар қандай маъно номаълум. 3. Ҳар қандай маъно ижтимоий. 4. Ҳар қандай маъно мавҳум<sup>6</sup>. Дарҳақиқат, ўқувчи учун “ўт” сўзи ўчоқдаги ўт, юрақдаги ўт, шам ўти, ишқ ўти, нафрат ўти кабиларни англатиши мумкин. Ўқувчи “ўт” сўзининг маъносини билади, лекин бу маъно ҳажмига кўра “кенг қамровли тушунча”, демак, ўқувчи учун номаълум бўлиб қолади. Исталган сўзниң маъноси мавҳумdir, у фақатгина контекстда ўз маъносини очади.

Иккинчи ёндашув сўз – матн доирасида у ёки бу маънога эга бўлади, деган қоидага асосланган. Шу сабабли сўзни адекват тавсифлаш учун уларни бевосита реал коммуникатив бирликлар (жумла, матн) доирасида ўрганиш керак.

Шундай қилиб, халқ герменевтикларининг матн тилнинг энг муҳим бирлиги саналиши ҳақидағи фикри яна бир бор ўз тасдиғини топди. Демак, чет тил ўқитиш методикаси доирасида айнан матн алоҳида, муносиб ўрин эгаллаши лозим. Чунки тилнинг энг катта бирлиги матн деб топилган.

И.Р. Гальперин эса матн мазмунини тушунишда нафақат маъно (инглиз тилида *meaning*, русчада *значение*) ва моҳият (инглиз тилида *main point*, русчада *смысл*), балки матн мазмуни (инглиз тилида *content*, русчада *содержание*) ҳам муҳим эканини қатъий уқтиради<sup>7</sup>.

Х. Вайнрих, ўз навбатида, учта категорияни тадқиқ этади: “маъно”, “тасаввур” ва “моҳият”. Моҳият, унинг фикрича, худди тасаввур каби муаллиф томонидан шакллантирилади.

<sup>6</sup> Вайнрих Х. Лингвистика лжи // Язык и моделирование специального взаимодействия. – Москва: Прогресс, 1987.

<sup>7</sup> Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва: Наука, 1981. – 139 с.

М. Маккарти, Р. Картер, Х. Виддоусон, Е.С. Кубрякова, А.А. Леонтьев ва бошқаларнинг тадқиқотлари туфайли матн мазмунини тушуниш кўплаб омилларга боғлиқлиги, қолаверса, матн доирасидан чиқиши маълум бўлди ва дискурс тушунчаси (инглизча *discourse*) пайдо бўлди.

Дискурс бир-бири билан маъновий алоқада бўлган икки ёки ундан ортиқ гап; функционал ташкил этилган, контекстлаштирилган тилни қўллаш бирликлари; тил шакли, маъноси ва амали (языковая форма, значение и действие) нинг мураккаб бирлиги сифатида тушунилади.

Айрим тадқиқот ишларида дискурс тушунчаси қатор оппозитив мезонлар – функционаллик-структуравийлик, динамилик-статиклик, долзарблики-виртуаллик ва бошқалар асосида матн тушунчасига қарши қўйилади. Шунга кўра, дискурс жараён, матн эса ҳосила сифатида тавсифланади.

Матнни тушунишни ўргатишда асосий қийинчилик ўқувчиларнинг матн ғоясини ажратга билмаслиги, ундаги концепцияни умумий мазмундан фарқлай олмаслиги саналади. Шу сабабли матнни ўқигандан кейин уни баҳолашга ва ундаги ахборотга ўз муносабатини ифодалашга ўтишдан олдин ўқувчиларда мазмунни адекват талқин этиш, яъни унинг асосий концепциясини топиш ҳамда шакллантириш, маълум қонуниятларга эга бўлган, шунга кўра матнда келтирилган факт-аргументлар, аввало, шу концепцияни мустаҳкамлашга хизмат қиласидиган, матннинг семантика-маъноли структураси ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш керак.

Э.В. Маруганинг фикрича, бу масалани ҳал этиш учун, исталган матнни маълум бир предикация тизими сифатида тасаввур қилиш мумкин. Матнда сўз шаклларини излаш, ажратиш ёки бу системанинг асосий ва иккинчи даражали элементларини мустақил шакллантириш матн таҳлилининг изчиллигини таъминлайди<sup>8</sup>.

Е.В. Тарасов ва А.М. Шахнаровичга кўра, матнни тушуниш жараёни иккита диалектик ўзаро боғлиқ фаолият: матннинг семантик алоқаларини тушуниш ҳамда матн мазмунини, яъни унинг маъно структурасини очиб беришдан иборат<sup>9</sup>.

Фикрлаш жараёнида иккита қонуният мавжуд: 1) янги, ғайриодатий матнни таниш бўлганидан ажратга билиш; 2) таниш ва нотаниш матнни ўрганиш, тушуниш, мазмунини очиб беришга интилиш. Бу икки қонуниятдан бири таниш бўлган матнга хос, яъни билим ва тажрибага мос равища қурилади. Предикациянинг бу ҳолати “тема” деб аталади. Иккинчи қонуният эса ўқиши жараёнида идрок қилиш предмети саналадиган “рема” ҳисобланади. Тема ва рема муносабатидан мазмун ҳосил бўлади. Бу назариялар матннинг лингвистик ва лингводидактик муаммоларини ҳал этишда муҳим саналади.

Ўқиётган киши ўқигани тўғрисида фикрлай бошлаганидагина таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, дифференциациялаш, интеграциялаш, таснифлаш кабиларнинг шаклланиши фаоллашади.

<sup>8</sup> Маруга Э.В. Опыт обучения адекватной интерпретации смыслового содержания текста // Психолингвистическая и лингвистическая природа текста и особенности его восприятия. – Киев: Вища школа, 1979. – С.100-110.

<sup>9</sup> Тарасов Е.В., Шахнарович А.М. Психолингвистические проблемы обучения чтению текстов // Психолингвистическая и лингвистическая природа текста и особенности его восприятия. – Киев: Вища школа, 1979. – С. 196-202.

Ўқувчидан матн мазмуни устида астойдил ишлаш талаб қилинади. Ўқиш учун қўшимча матн танлашга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Таълим воситаси сифатида инглиз тилидаги қўшимча матнларни ўқиш лексик-грамматик материални мустаҳкамлаш учун зарур нутқий кўнималарни шакллантиришга қаратилган. Психолингвист ва дидактларнинг таъкидлашича, ўқиш – нутқий фаолият, инглиз тилида қўшимча матн ўқиш таълим воситасидир, ўқиш орқали касбий компетенция шаклланади.

Иккинчи ҳолатда матнни маҳсус саралаш ва ўқишга тайёрлаш кўзда тутилади, бундай тайёргарлик маълум шароитлар – ўкув вақтининг мавжудлиги ва турли – касбий, лисоний, нутқий компетенцияларнинг шаклланганлигини тақозо этади.

Ўқишининг психологик хусусиятлари А.Н. Соколов томонидан батафсил таърифланган<sup>10</sup>. Матн ўқитиши стратегияси ва тактикасини белгилашда ўқиганда эшитиш, талаффуз этиши ва ёзиш ўртасида ассоциатив алоқа юзага келиши ҳақидаги қоидани ҳисобга олиш зарур. Ўқиш оғзаки нутқдан ёзма нутққа ўтиш шакли эканлигини, демакки, ҳар иккисининг белгиларини бирлаштирганини назардан қочирмаслик керак.

Ўқиш нутқ фаолиятининг синкетик, сўзлаш, эшитиш, ёзиш тавсифларини акс эттирадиган тури сифатида ўзида сўзлашнинг нутқ-харакат реакцияларини, ёзувнинг кўриш-графема реакцияларини, эшитиш реакцияларини жамлаган.

Кўриш-графема анализатори ўқища етакчи саналади. Шунга кўра, қўшимча матнни ўқиганда тил бирликларининг кўриш-графемали образларини сақлаш малакаларини коррекциялаш давом этиши керак.

Кўшимча матн, ўқитиши технологияси мазмунига кўра, КҲҚда қўшимча матнларни ўқитишининг долзарб муаммоларини акс эттирувчи матнлар тўплами сифатида берилади, бу нуқтаи назардан, технология – очиқ тизим, унинг кенгайиши ёки қисқариши бўлғуси касб эгаларининг коммуникатив эҳтиёжлари билан белгиланади.

Ўқишининг умумий мақсади сифатида бўлғуси касб эгаларининг коммуникатив хусусиятларини маълум даражада фаоллаштириб, тил воситалари билан мулоқотнинг касбий мақсадларга эришиш омили сифатида белгилаймиз. Бунда қўйидаги лингводидактик омиллар ҳам ҳисобга олинади: а) ўкув мақсадини педагогик жараён сифатида аниқ белгилаш; б) ўқиганда матн устида ишлашнинг шакл ва усулларини танлаш.

Ўқиш учун танланган қўшимча матнлар, бугунги кун соҳавий янгиликларидан воқиф бўлишни таъминлайди. Қўшимча матнлар предмети, демак, ўкув ва илмий ахборот саналади. Бу билимларнинг асосий кўрсаткичлари ўқувчи дунёқарашидаги ижобий ўзгаришларни таъминлаш, касбий мулоқотни ривожлантира олишdir.

Иккинчи боб “Ўқувчиларга чет тилда матн ўқишини ўргатиши назарияси ва амалиёти” мавзусига бағишлиланган. Ушбу бобда КҲҚда

<sup>10</sup> Соколов А.Н. Внутренняя речь и мышление. – Москва: Мысль, 1968. – 334 с.

қўшимча матн ўқиши ўргатишнинг методик масалалари кўриб чиқилди. Ўқувчиларга матн ўқитишнинг ҳозирги аҳволи, инглиз тили дарслклари ва қўлланмаларидан ўрин олган матнларнинг методик таҳлили, қўшимча матн ўқитиш технологияси шулар жумласидандир. КҲҚ ўқувчиларининг ўқиганлик даражаси ва матн ўқитишнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш, таклиф этилаётган қўшимча матн ўқитиш технологиясини тажрибада текшириш ва у орқали матн ўқитиш муаммоларини ҳал этиш қўйидаги хуносаларга келиш имконини беради.

Ўқувчиларга матн ўқитишнинг самарадор методикасини ишлаб чиқиш учун ўқишининг когнитив методи ҳакида ахборотга эга бўлиш мухим.

Кишиларни матн ўқишига мажбур қиласидиган нарса кўпроқ босма шаклда берилган материалдан ахборот олиш билан боғлиқ. Матндан ахборот олиш, тушуниш ва эслаб қолиш механизmlари ҳамда бу жараёнга кўмаклашадиган ёки тўсқинлик қиласидиган компонентлар коммуникатив-когнитив методиканинг асосий масалалари доирасини ташкил этади. Шу боис, ўқишининг когнитив психологиясига оид мулоҳазаларга мурожаат этамиз.

У. Кинч томонидан фанда матндағи ахборотни тушуниш модели ишлаб чиқилган бўлиб, унда тушунишни иккита – ахборотни “қўйидан юқорига” ва “юқоридан қўйига” тамойиллари бўйича матнни қайта ишлашга яқин механизм ётади<sup>11</sup>.

Бу тушунчаларни шарҳлаб ўтамиз. “Юқоридан қўйига” модели ахборотни қўйига томон идрок этиш концепциясига асосланади. Унга кўра, ахборотни тушуниш ва қайта ишлаш нисбатан юқори даражадан паст даражага томон ҳаракатланади. Нисбатан юқори даражага деганда ўқувчиларнинг фон билимлари (background knowledge), уларнинг социолингвистик ҳамда коммуникатив компетенцияси тушунилади. Нисбатан қўйи даражага дейилганда лексик-грамматик шаклларни тез ва хатосиз таниб олиш тушунилади. Анализ ва синтез амаллари интеграциялаш ҳамда бир-бири билан синтетик характердаги амаллар устуворлиги билан ўзаро алоқадорликда бўлади. Аввал мазмунга нисбатан фаразлар илгари сурилади, улар ўқиши давомида тасдиқланади ё инкор қилинади. Таълимнинг бундай моделида фон билимлар фаоллаштирилади ва оқибатда нутқни идрок этиш кўникмаси ривожланади.

Бу модельнинг энг юқори даражасида “мақсадли схема” ётади, у қайси материал мухим эканини аниқлайди, модельнинг қарама-қарши томонида эса матн туради.

Ахборотни тушуниш ва қайта ишлашнинг “қўйидан юқорига” модели “юқоридан қўйига” моделига қарши туради. Ушбу модельнинг асоси – матндағи ахборотни изчил, кенгайиб борадиган декодлаш жараёнлари, яъни графема ва фонемаларнинг сўзларга, сўзларнинг гапларга, гапларнинг иборавий бирликларга айланишини ва умуман матнни тушуниш жиҳатидан ўрганиб бориш. Бу каби модель тизимнинг барча асосий компонентларини

<sup>11</sup> Kintsch W. On modeling comprehension // Educational Psychologist, 14. 1979. – P. 3-14.

босқичли ўзлаштириш, уларни топиш ва интеграциялаш, кейин ўқиганини яхлит тушунишни кўзда тутади.

У. Кинчнинг тушуниш модели шундай фояга асосланади: мураккаб тушунчаларни жуда содда тарзда ифодалаш мумкин, бунда пропозиция матнда хотиранинг асосий бирлиги саналади.

Ўқиши жараёнининг яна бир муҳим жиҳати – ахборотни эслаб қолишидир. Ахборотни эслаб қолиш жараёни кўпроқ матн структурасига боғлиқ. Бу структурага кўра, ўқувчи матнни кодлайди ва структуралайди. Баённи эслаб қолишини енгиллаштириш учун матнни структуравий компонентларга бўлиш, нисбатан юқори ва нисбатан паст даражаларни фарқлаш мумкин. Баён ўзига хос тарзда ўзгаририлганда, масалан, ҳодисалар кетма-кетлиги бузилганда, уни эслаб қолиш ва қайта яратиш қийинроқ кечади. Одатда, вақт ўтиши билан матн моҳияти сақланиб, конкрет деталлари унутилади.

Нейролингвистик дастурлаш ҳам эътиборга молик. Нейролингвистика ҳақида дастлабки маълумотлар Р. Энтони, Б. Бендлер, С. Томсон ва бошқалар томонидан яқин ўтмишда пайдо бўлган ва ҳозирда кенг тарқалган. Ўқувчилар турли ахборотни идрок этиш, сақлаш ва қайта ишлашда кўриш, эшлиши ва ҳиссий каналлардан фойдаланадилар, бу эса матнни тушунишга таъсир этади, деган фаразлар мавжуд.

В.П. Белянин чет тилларни ўқитиши амалиётида мазкур назарияни қўллаш мумкинлиги ҳақида фикр билдиради. Унга кўра, ўқитувчиларга чет тилдаги материални танлаш ва танланган матн бир пайтнинг ўзида турли идрок каналларига таъсир этадиган ҳолда ишланиши тавсия этилади<sup>12</sup>.

Бу назария матнни ўқиши пайтида ўқувчиларнинг идрок каналларига таъсири имкониятлари туфайли қизикарли. Ўқитиши амалиёти шуни ишончли тарзда тасдиқлайдики, ўқувчилар ҳамма матнларни бирдек ўқимайди (идрок этмайди)лар. Тил нуқтаи назаридан мураккаб ҳисобланган матнларни қийналиб ўқийдилар, шу сабабли улар ўқувчида қизиқиши уйғотмайди. Бир томондан, буни ўқувчиларнинг билишга қизиқишилари билан изоҳлаш мумкин, бошқа томондан, бу матннинг ўқувчилар идрок каналларига кучсиз таъсири билан изоҳланади.

Шу мақсадда ўқувчининг кўриш, эшлиши, ҳиссий идрок каналларига бир пайтда таъсир этадиган қўшимча матнларга устуворлик берилиши керак. Бу эса матн устида ишлашга оид муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради.

Кейинги вақтларда инглиз тили ва маданиятини ўқитишида таълимнинг ёрдамчи воситалари (видео, мультимедиа, Интернет ва б.)дан фойдаланишга қарамай, матн ўқиши илгаригидек тил тайёргарлигига алоҳида ўрин тутади. Қатор муаллифларнинг фикрича, ўқишини ўргатиш учун аутентик матнлардан фойдаланиш муҳим.

Ўқиши воситасида ўқувчилар ўзга маданиятларнинг хусусиятлари ҳақида аниқ ахборот оладилар. Дунё манзараси маданий-прагматик макон кўринишида намоён бўладиган ва лингвомаданий умумийликнинг типик вакили эга бўлган билимлар заҳирасидан иборат аутентик матнлар орқали

<sup>12</sup> Қаранг: Белянин В.П. Психолингвистические аспекты художественного текста. – Москва: МГУ, 1988. – 121 с.

ўқувчилар ўз маданиятларини таққослаш имконига эга бўладилар. Матн ўқиш чоғида ўқувчилар ижодий, динамик жараёнга жалб этилади. Ўз когнитив ривожланишида ўқувчи билимларни тез тўплаш ва уларни интеллектуал қайта ишлаш қобилиятига эришади.

Маълумки, бугунги кунда КҲҚ ўқувчиларига инглиз тилида матн ўқитиш жараёни амалий жиҳатдан тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, яъни академик соатларда дарсликдаги матнларга қўшимча сифатида танланган матнлар соҳавий эмаслиги ва аутентик хусусиятга эга бўлмаганлигини назарда тутиб, тадқиқот муаммосининг таҳлили жараёнида қўйидаги вазифалар белгиланди:

- аутентик матнларни ўқишни ўргатиш мазмунида ўқувчиларнинг билишга қизиқишиларини акс эттириш даражасини аниқлаш;
- таълим методларининг ўқувчиларнинг когнитив стратегияларига мувофиқлигини аниқлаш;
- ўқувчиларнинг инглиз тилидаги матнларни ўқиш малакаларини эгаллаш жараёнида ўз шахсини шакллантириш даражасини аниқлаш.

Бундай таҳлилнинг биринчи босқичи КҲҚ ўқувчиларининг билимга қизиқишиларини, шунингдек, ўқишни ўргатиш бўйича машғулотларда соҳавий матнларнинг устуворлигини аниқлашдан иборат бўлади.

Тадқиқот юзасидан амалга оширилган таҳлилнинг иккинчи босқичи ўқиш фаолиятининг методик ташкил этилиши ва бошқарилишини ўрганишдан иборат бўлди. Бунда ўқувчи ўқиш жараёнида фойдаланадиган стратегиялар алоҳида қизиқишиш уйғотади.

Батафсил таҳлил талаб этадиган кейинги ҳолат – инглиз тилида матн ўқишни ўргатиш бўйича қўлланмалар, дарсликлар мазмунига оид:

Н.А. Бонк ва б. муаллифлигидаги мансуб “Учебник английского языка” номли икки қисмдан иборат китобда кундалик ҳаётй матнлар ҳамда инглиз ёзувчиларининг қисқа оригинал матнларидан фойдаланилган. Матнларни бугунги кунда бир мунча архаик деб баҳолаш мумкин. Улар замонавий сўзлашув нутқи хусусиятларини етарли даражада акс эттирмайди. Проблематикасига кўра матнларни нейтрал дейиш мумкин. Зеро, улар ўша давр ёшлари онтига Гарб жамиятининг таъсир этишига йўл қўймаслик қоидасига биноан танланган, шу сабабли уларнинг тематикаси ҳозирги давр ўқувчиларининг билишга қизиқишиларига мутлақо мос келмайди.

Н.А. Бонк ва б. тузган дарсликлар сериясига муносаб баҳо бериш лозим. Улар ўз даврида ўқишни ўргатишда муҳим роль ўйнаган, бироқ қадриятлар алмашинуви матнлар проблематикасини қайта кўриб чиқишини талаб этади. Қолаверса, ўқувчилар аудиторияси ҳам ўзгарди.

Инглиз тилида қўшимча матнларни ўқиш вазифа қилиб берилиши мақсадга мувофиқ. Қўшимча деб олинаётган матнлар ўқувчи дунёқараши, касбий йўналиши ва замон талаби асосида танланади ва бўлажак касб эгаларининг чет тил ўрганишга иштиёқини оширади.

КҲҚ учун чоп этилган қўлланмаларда берилган матнларга эътибор берайлик: 76 соатлик аудитория машғулотига мўлжалланган “Инглиз тили I” қўлланмасида қўйидаги матнлар ўрин олган: “My flat”, “My friend”, “My

family”, “About myself”, “My native town”, “The geographical position of Uzbekistan”, “Independent Uzbekistan”, “The history of Uzbekistan”, “The activity of people in the market economy”, “The USA”, “Types of expenses in the market economy”, “Great Britain”, “About business”, “The activity of business” кабилар. “Инглиз тили II” қўлланмаси ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланиб, КХҚ ўқув дастури асосида тайёрланган ва унда кундалик ҳаёт, тарих, география, иқтисодиётга оид матнлар берилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир таълим босқичида ўзига хос хусусиятлар билан ўқиш амалиёти жорий этилади. Бошланғич даврда таниш материал асосида матн, ўрта босқичда таниш бирликлар ва қисман нотаниш сўзлар кирган матнлар, юқори босқичда эса кўпроқ потенциал луғат иштирокидаги матнлар ўқиш тавсия этилади<sup>13</sup>. Бу илмий методик маълумотга асосланган ҳолда КХҚда кўпроқ ўқиб ахборот олиш мақсадида чет тилда соҳавий матн ўқитилиши лозим. Бугунги кунда инглиз тили ўқитилишидан асосий мақсад маданиятлараро мулоқот бўлиб, нутқ унинг восита сифатида, ўз ўрнида тил эса нутқ учун бир восита сифатида қаралмоқда. Бинобарин, дарслик ва қўлланмалардан ўрин олаётган матнлар мақсадга кўра танланмоғи керак. Масалан, М.И. Гадоева, Л.Ҳ. Сайитова томонидан тузилган “Инглиз тили II” қўлланмасидаги 5-дарсда “Holidays” матни берилган. Ундаги асосий ахборот манбаи ўзбек байрамларидан иборат. Маданиятлараро мулоқот содир бўлиши учун асосан чет эл байрамларига, уларнинг урф-одати, маданиятига эътибор қаратилиши керак ва шу тоифадаги матнлар ўқитилмоғи лозим. Айни дамда дарслик ёки қўлланмалардан ўрин олиб улгурмаган, лекин инглиз тилидаги қўшимча матнларни ўқитишни жорий этиш ўқувчининг тилга бўлган қизиқиши ортишига хизмат қиласи, яъни ўқувчилар жамоаси талаб этаётган матнларни ўқитиш уларнинг касбий компетенциясини оширади.

Когнитив соҳа инсоннинг нафақат интеллектуал қобилиятларини, балки психик жараёнларини, жумладан, фикрлашнинг аниқ ташкил этилишини ҳам камраб олади. Замирида ўқувчининг психик фаоллиги ётадиган ижодийлик муаммосини батафсилроқ қараб чиқадиган бўлсак, кўрамизки, ижодий, фаол фикрлайдиган кишининг фарқли белгилари – ақлнинг нозиклигини айрим олимлар когнитив услуг деб таснифлашади.

Ўқувчи турли фикрларга чўмиши ва шу заҳотиёқ улардан холи бўла олиши мумкин. Фикрларида у ўз-ўзига нисбатан танқидий ёндаша олади. Ўз олдига вазифа қўйган ўқувчи, уни тадқиқ этиш ва белгиланган мақсади сари қатъият билан бориш қобилиятига эга. Ўқувчи руҳиятини эътиборга олган ҳолда, психологлар шундай хулосага келдиларки, ижодий жараёнларни тўрт гурухга бўлиш мумкин: матндан янги ахборот ола туриб, фикрлайдиган ўқувчи “тадқиқотчи”, “рассом”, “ҳакам”, “жангчи” сифатида намоён бўлади. Бу терминлар конкрет когнитив услубларни акс эттиради.

<sup>13</sup> Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 368 б.

Кўшимча матн ўқитишида коммуникатив-когнитив методикадан фойдаланиш мазмуни ўқувчиларга ижодий жараённинг тўртта гуруҳига оид матнларни ўқишини ўргатишида юқори самарага эришиш учун хизмат қиласди.

Хулоса қилиш мумкинки, инглиз тили кўлланмаларидан ўрин олган матнлар билан ишлаш чоғида коммуникатив-когнитив методикадан фойдаланиб, ўқувчиларда матн ўқиши кўнишка ва малакалари шакллантирилади. Ўқувчилар ижодий, динамик жараёнга жалб этилади ва уларнинг маданиятлараро мулоқот компетенциясини оширади.

Учинчи боб “**Касб-хунар коллежлари ўқувчиларига инглиз тилида кўшимча матнларни ўқишини ўргатиш бўйича тажриба-синов ишлари**”га бағишлиланган бўлиб, унда инглиз тилида тузилган ва танланган қўшимча матнларни ўқитиши орқали КҲҚ ўқувчиларининг билиш фаоллигини ошириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари ёритилган.

КҲҚ ўқувчилари энг қизиқарли ва керакли ахборотларни матн орқали ўзлаштиришади. Шу сабабли ўқувчи танлаган касбга хос қўшимча матн танлаш ва тузиш долзарб масалалардан саналади.

КҲҚ ўқувчилари учун маҳсус танланган матнлар миллий маданиятимиз ва қадриятларимиз билан хорижий маданият ўртасидаги ўзаро меъёрлар сақланган ҳолда танланади. Шунингдек, ўқиладиган матнлар тилига мансуб методик талаблар ҳам қўйилади.

Биринчидан, матннаги тил материали дастурий ўқув минимумига мувофиқ бўлиши керак, яъни лексик ва грамматик ҳодисаларнинг тегишли курслар (босқичлар) бўйича методик тақсимоти ҳисобга олинади.

Иккинчидан, ўқувчилар ўзлаштирган тил бирликлари заминида ўқиши учун матн тавсия қилинади. Матнни ўқиши олдидан унда мавжуд техникавий ва лисоний қийинчиликларнинг бартараф этилиши зарурӣ методик тадбирдир.

Учинчидан, матн тилининг услубий томонига қўйиладиган талабга қўра, ҳозирги замон адабий тили меъёрлари сақланиши керак.

“Тузиш” лингводидактик терминининг маъновий доираси турли-туман талқинларга сабаб бўлмоқда. Аввало, матн тузиш ва танлаш орасидаги фарқ аниқланиши зарур. Бу борада Ж.Ж. Жалолов фикрлари қўйидагича: “Танлаш” деганда, мазмуни ёзувчи томонидан шаклланган, тил ва ҳажм жиҳатидан муаллим ёки дарслик/ўқиши китоби тузувчиси мактаб шароитига мослаштирган матнларни саралаш жараёни ва маҳсули тушунилади. Демак, аслиятдаги матн ёки унинг мослаштирилган (адаптация қилинган) нусхаси ўқишига тақдим этилади. “Тузиш” термини оғзаки ўрганилган тил материали асосида ва оғзаки нутқ мавзулари доирасида муаллим ёки дарслик/ўқиши китоби муаллифи тайёрлаган матнларга тааллуклидир. Шу муносабат билан методикада “тузилган” ва “танланган” матн тушунчалари истифода қилинади. Ҳар иккала тоифадаги матнлар ҳам ўқиши учун материал вазифасини ўтайди<sup>14</sup>.

Кўшимча матн сифатида ўқувчи танлаган касбга оид ахборотлар, инглиз

<sup>14</sup> Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиши методикаси. Чет тиллар олий ўкув юртлари талабалари учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 368 б.

тилидаги бадий адабиётлар, театр анонслари, машхур қўшиқлар, уларнинг ижодкорлари ҳақидаги биографик матнлар ўқитилиши мумкин. Мусиқа соҳасида таълим олувчилар учун қўшиқлардан фойдаланиш жуда аҳамиятли. Бу хақда Ж. Браст (J. Brust) ўзининг “Music and language” мақоласида мусиқа ёрдамида тил ўрганиш физиологик ва психологик жиҳатдан инсонда енгиллик билан кечишини, мусиқа садоси остида жаранглаган жумлалар инсон онгиға тезроқ муҳрланишини ёзди<sup>15</sup>. М.П. Кассити (M.P. Cassity) мусиқа, қўшиқ инсон психологиясига физиологик жиҳатдан ижобий таъсир этиб, у инсон онгида узокроқ муддат сақланишини ва идрок этиш даражаси юқори натижани кўрсатишини таъкидлайди<sup>16</sup>. Идрок этиш даражаси ортиши натижасида эса ўз-ўзидан хотира, тафаккур, тасаввур кенгайиб боради. Чунки айнан идрок ахборотнинг қандай эканлигини ва таъсирчанлик даражасини аниқловчи психик жараёндир. Шуни таъкидлаш жоизки, инглиз тилида кўшимча матнлар сифатида қўшиқлардан фойдаланиш, матндаги ахборотни ўқувчилар хотирасида оддий матнга нисбатан тезроқ, осонроқ, аниқроқ сақлашда кўмаклашади. Инглиз тилидаги қўшиқларни тинглаб тушуниш натижасида инглиззабон мамлакатлар ахолисининг оғзаки нутқ намунаси билан танишиш имконияти яратилади.

Касб-хунар коллажлари ўқувчиларига инглиз тилида кўшимча матнларни ўқишини ўргатиш бўйича тажриба-синов ишлари мусиқа ва санъат йўналишидаги коллажларда олиб борилди. Тажриба-синов жараёнида 470та ўқувчи қатнашди, шундан 250 нафар ўқувчидан 220таси назорат гуруҳида қатнашди.

1- ва 2-жадвалларда келтирилган миқдорий кўрсаткичларга асосланган ҳолда КҲҚ ўқувчиларига инглиз тилида кўшимча матнлар ўқитиш технологиясининг самарадорлик даражасини ва тажриба бошидаги ва якунидаги натижаларни аниқлаш учун математик-статистика методидан фойдаланилди. Натижалар қўйида келтирилган:

#### **1-жадвал**

**Тажриба-синов аввали ва якунида касб-хунар коллажлари ўқувчиларига замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитилган матнларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари (фоизларда)**

Тажриба-синов давомида	Шаклланганлик даражаси							
	Тажриба гуруҳида 250 та ўқувчи				Назорат гуруҳида 220 та ўқувчи			
	Юқори	Ўрта	Қуий	Жуда паст	Юқори	Ўрта	Қуий	Жуда паст
Аввалида	33	32	28	7	33	31	28	8
Якунида	41	38	18	3	35	33	26	6

<sup>15</sup> Brust J. Music and language. Musical alexia and agraphia // Brain. – 1980. – v.103. № 2. – P. 25-27.

<sup>16</sup> Cassity M.P. The influence of a music therapy activity upon peer acceptance, group cohesiveness, and interpersonal relationship of adult psychiatric patients // J. of Music Therapy, 1976. – V. 13(2). – P. 66-76.

## 2-жадвал

### Тажриба-синов аввали ва якунида касб-хунар колледжлари ўқувчиларининг қўшимча матн ўқитиш технологияси бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари

Тажриба- синов давомида	Босқичлар	Шаклланганлик даражаси (фоизларда)					
		Тажриба гурухи			Назорат гурухи		
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
Аввалида	1-босқич	30	39	31	31	42	27
	2-босқич	31	40	29	30	43	27
	3-босқич	29	41	30	27	45	28
Жами:		30	40	30	29	43	28
Якунида	1-босқич	53	39	8	30	40	30
	2-босқич	55	43	2	32	39	29
	3-босқич	56	40	4	29	43	28
Жами:		55	41	4	31	40	29

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири ўқувчиларнинг тажриба аввалидаги билимининг ўртacha баллари, иккинчиси эса ўқувчиларнинг тажриба якунидаги билимининг ўртacha баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб хисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар осон бажарилади.

1- ва 2-жадвал асосида тажриба ва назорат гурухлари ўзлаштириш самарадорлигини кўрсатувчи  $H_1$  гипотеза ва унга зид бўлган  $H_0$  гипотезани танлаймиз (тўлиқ таҳлил диссертацияга илова қилинган).

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда математик-статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртacha квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стыодентнинг танланма мезони, Стыодент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди.

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	$S_x^2$	$S_y^2$	$V_x$	$V_y$	$T_{x,y}$	$K$	$X_{n,m}^2$	$\Delta_m$	$\Delta_k$
2,17	1,97	0,6811	0,8491	38,3	46,7				0,09	0,1
2,51	2,02	0,33	0,6	22,9	38,3	7,704	400,06	64,23	0,07	0,1

Натижалардан тажриба ва назорат гурухи учун Нейман ғояси асосида ишончли интерваллари топилди:

$$\bar{X} - t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \quad \bar{Y} - t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

Үқитилган матнларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича:

$$2,17 - 0,09 \leq a_x \leq 2,17 + 0,09 \quad 1,97 - 0,1 \leq a_y \leq 1,97 + 0,1$$

$$2,08 \leq a_x \leq 2,26 \quad 1,87 \leq a_y \leq 2,07$$

Кўшимча матнлар ўқитиш технологиясининг ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича:

$$2,51 - 0,07 \leq a_x \leq 2,51 + 0,07 \quad 2,02 - 0,1 \leq a_y \leq 2,02 + 0,1$$

$$2,44 \leq a_x \leq 2,58 \quad 1,92 \leq a_y \leq 2,12$$

Олинган натижалардан тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум ўқитилган матнларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича  $\bar{X} = 2,17$ ;  $\bar{Y} = 1,97$ ;  $\Delta_m = 0,09$ ;  $\Delta_n = 0,1$  га ва қўшимча матнлар ўқитиш технологиясининг ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича  $\bar{X} = 2,51$ ;  $\bar{Y} = 2,02$ ;  $\Delta_x = 0,07$ ;  $\Delta_y = 0,1$  га тенг.

Бундан ўқитилган матнларнинг ўзлаштириш бўйича сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yc\delta} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{2,17 - 0,09}{1,97 + 0,1} = \frac{2,08}{2,07} = 1,005 > 1;$$

$K_{\delta\delta\delta} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (2,17 - 0,09) - (1,97 - 0,1) = 2,08 - 1,87 = 0,21 > 0$ ; га ва қўшимча матнлар ўқитиш технологиясининг ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yc\delta} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,51 - 0,07}{2,02 + 0,1} = \frac{2,44}{2,12} = 1,15 > 1;$$

$$K_{\delta\delta\delta} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,51 - 0,07) - (2,02 - 0,1) = 2,44 - 1,92 = 0,54 > 0; \text{ га тенг.}$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, КҲҚ ўқувчилирига ўқитилган матнларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ва қўшимча матнлар ўқитиш технологияси бўйича самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

## ХУЛОСА

Лингводидактикада ўқиши ўргатиш бой тарихга эга бўлиб, ахборотни идрок этиб тушунишни таъминлашга қаратилган усуслар ишлаб чиқилган. Маданиятларо мулокотни ўргатиш КҲҚ шароитида янгича талабларни кўймоқда. Энг аввало, ўқиши мазмунига қўйиладиган талаблар ўзгармоқда. Чет тилда матн ўқиши ҳозирги шароитда нафакат рецептив ўзлаштириш обьекти, балки асосан мулокот маҳсули, коммуникатив вазифаларни ҳал қилишда амалий мақсадларда қўллаш мумкин бўлган ахборотдир. Шу сабабли КҲҚ ўқувчилирига кўпроқ инглиз тилида қўшимча матнларни ўқитиш орқали олинадиган кенг доирадаги билимлар ва ахборот зарур.

КҲҚ ўқувчиларига қўшимча матн ўқитиш орқали соҳавий лексика ўзлаштирилади, нутқ малакалари такомиллаштирилади, натижада касбий тайёргарлик сифати оширилади, ўқувчиларга тили ўрганилаётган мамлакат маданияти билан яқиндан танишиш имконияти яратилади.

Қўшимча сифатида аутентик материалларни тақдим этиш уларни ўзлаштиришнинг мукаммал ўқиши шакллантирадиган усулини тақозо этади. Инглиз тилида қўшимча матнларни ўқитиш технологиясининг яратилиши айнан шу талаблар билан изоҳланади. Ушбу технологияни ишлаб чиқишида ўқитишнинг коммуникатив-когнитив методи асосини ташкил этадиган когнитив психология ва когнитив лингвистика назарияларидан тегишли ўринларда фойдаланилди.

КҲҚ ўқувчиларига дарслиқдаги анъанавий матнларни ўқиши ўргатиш билан бир қаторда ўқувчиларнинг билишга қизиқишилари диапазонини эътиборга олиб, уларни амалий характердаги аутентик матнлар билан танишириш мақсадга мувофиқ топилди. КҲҚ ўқувчилари учун ўқиш материали сифатида аутентик матнларнинг танланиши айнан шу билан изоҳланади.

Инглиз тилидаги қўшимча матнларни ўқитиш технологиясини яратиш ва уни КҲҚ ўқувчилари билан биргаликда тажрибадан ўтказиш натижасида маълум бўлдики, КҲҚнинг учинчи босқич ўқувчиларига инглиз тилидаги қўшимча матнлардаги ахборотни “юқоридан – қуйига” тамойили бўйича, нисбатан юқори даражадан (ўқувчининг фон билимлари) лексик-грамматик шаклларни таниб олишга томон декодлаш психик-когнитив моделига асосланган қўшимча матн ўқитишнинг коммуникатив-когнитив методикасидан фойдаланиб, инглиз тилидаги матнларни мукаммал ўқиш малакаси ривожлантирилади. Натижада, КҲҚ ўқувчиларига чет тил ўқитишида амалий, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи ва шартли касбий мақсадларга эришилади.

КҲҚ ўқувчилари учун қўшимча сифатида қўшиқ матнларидан фойдаланиш муҳим омиллардан биридир. Қўшиқдаги ритмлилик ўқувчи хотирасида ўқилаётган матндаги сўз ва ибораларни тезроқ ва осонроқ сақлайди. Шунингдек, қўшиқ мусиқа коллажлари ўқувчиларига соҳавий билим беришда етакчи ўрин эгаллади.

Инглиз тили дарслик ва қўлланмаларидан ўрин олган матнларни методик таҳлилидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, таълим дастурида назарда тутилган, аммо дарсликлардан ўрин олмаган матнларни қўшимча сифатида ўқитиш ўкув жараёнидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш имкониятини яратади, бинобарин, бу ўқувчилар билиш фаоллигини оширишга хизмат қиласди.

КҲҚ ўқувчиларига қўшимча матн ўқитилиши, инглиз тили ва маданиятини ўқиб-ўрганиш, соҳавий терминлар билан танишиш имкониятини беради хамда таълим дастуридаги матнга нисбатан қўйилган барча талабларнинг қондирилишини таъминлайди.

Энг асосийси, қўшимча матнлар ўқитиши халқимиз миллий қадриятларини камситмаган ҳолда, КҲҚ ўқувчиларини инглиззабон мамлакатлар маданияти билан яқиндан таништириш имкониятини берди. Бу ўз навбатида, жаҳон миқёсидаги глобаллашув шароитида маданиятлараро мулоқот учун кенг йўл очади.

Таъкидлаш жоизки, яратилган инглиз тилидаги қўшимча матнлар ўқитиши технологияси республикамиз чет қишлоқларида таҳсил олаётган КҲҚ ва бошқа таълим муассасалари ўқувчилари учун чет тилни ўрганишда мақбулдир. Чунки дарслик ва қўлланмалар ёки улардаги соҳавий матнларнинг танқислиги чет тил ўрганиш/ўқитишида маълум бир қийинчиликларни юзага келтирадиган объектив вазиятни ҳисобга олади.

Диссертация натижаларидан фойдаланиш бўйича **тавсиялар**: диссертация “Касб-хунар коллежлари ўқувчиларига инглиз тилида қўшимча матнлар ўқитиши технологияси” мавзусида ёзилган бўлиб, ушбу материалдан чет тил дарсларини ташкил этишда, ўқув дастури ва дарсликларни такомиллаштиришда, халқ таълими ходимларининг малака ошириш институтлари тингловчиларига маъruzалар ўқиш ва амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот мавзусига оид илмий-методик мулоҳазалар умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей, лисоний ва нолисоний олий ўқув юртлари ҳамда магистрант, аспирант, тадқиқотчилар учун методик тавсия сифатида хизмат қиласи. Таъкидлаш жоизки, қўшимча сифатида танланган матнлар ўқувчи ёши, қизиқишига мос равиша танлангани маъқул. Шунингдек, чет тил ўқитишида аутентик матнлардан қўшимча сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Материалнинг аутентлиги жонли нутқий фаолиятни акс эттиради, матнда берилган ахборот эса ҳаётайдир. Бу, албатта, таассуротлар алмашишда фаолликни, яъни коммуникатив фаолиятни келтириб чиқаради. Демак, аутентик матнда миллий маданият фактлари ва хусусиятлари акс этади. Шу маънода, айтиш мумкинки, бундай матн миллий маданият кўзгуси саналади. Матн орқали ўқувчилар янги билимларни, қадриятларни, ўрганилаётган тилда сўзлашувчиларнинг маданиятини ўзлаштирадилар.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулжаббарова З.Р. Касб-хунар коллежларида чет тилдан қўшимча матнлар ўқитиши технологияси // Infocom.uz. – Тошкент, 2008. – № 4. – Б.82-84.
2. Абдулжаббарова З.Р. Чет тилда қўшимча матнларни ўқитишида замонавий технологияларнинг роли // Infocom.uz. – Тошкент, 2008. – № 8. – Б.99.
3. Абдулжаббарова З.Р. Касб-хунар коллежларида матн ўқитишининг замонавий педагогик технологиялари // Interkulturelle communication: theory und praxis: Тўплам. – Тошкент: ТДПУ, 2008. – Б.16-20.
4. Абдулжаббарова З.Р. Чет тилларни ахборот технологиялари воситасида самарали ўқитиши // Infocom.uz. – Тошкент, 2009. – № 1. – Б.46-47.

5. Абдужаббарова З.Р. Профильно-ориентированное обучение иностранному языку в экономическом ВУЗе // Двадцать вторые международные Плехановские чтения: Сборник. – Москва, 2009. – С. 53-54.
6. Абдужаббарова З.Р. Дарс жараёнида талабалар фаоллигини ошириш усуллари // Мактаб ва ҳаёт. – Тошкент, 2009. – № 5. – Б.17-18.
7. Абдужаббарова З.Р. Мусиқа колледжларида инглиз тили ўқитишининг самарали воситалари // Хорижий тиллар мутахассисларини тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш муаммолари: Тўплам. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – Б.59-60.
8. Абдужаббарова З.Р. Маданият, мусиқа ва санъат касб-хунар колледжлари ўқувчилари учун инглиз тилида қўшимча матнларни танлаш ҳамда тузиш масалалари // Мусиқий ижрочиликда ёшлар фаоллигини ошириш ва ривожлантириш: Тўплам. – Тошкент: Маданият институти, 2010. – Б. 208-210.
9. Абдужаббарова З.Р., Махсудова Г.Х. Инглиз тилини ўқитиша кўшимча матнлардан фойдаланиш // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2010. – № 3. – Б.23.
10. Абдужаббарова З.Р. Инглиз тилида қўшимча матн // Тарбия. – Тошкент, 2010. – № 3. – Б.45-47.
11. Абдужаббарова З.Р. Кўшимча матн ўқитиши орқали касб-хунар колледжлари ўқувчиларининг инглиз тилида билиш фаолиятини ошириш масалалари // Педагогик таълим. – Тошкент, 2010. – № 4. – Б.110-114.
12. Абдужаббарова З.Р. Supplementary reader. Методик қўлланма. – Тошкент: ТДПУ, 2010. – 77 б.
13. Абдужаббарова З.Р. Матн тушунчасининг лингвистик таҳлили // Қиёсий-чоғиштирма, типологик ва умумий тилшуносликнинг долзарб муаммолари: Тўплам. – Андижон: АндДУ, 2010. – Б. 381-385.
14. Абдужаббарова З.Р. Касб-хунар колледжлари шароитида қўшимча матнни ўқиши кўнишка ва малакаларини шакллантириш жараёнининг ўзига хослиги // Чет тил ўқитища мустақил ишлар назарияси ва амалиёти: Тўплам. – Тошкент: ТДПУ, 2010. – Б. 17-21.
15. Abdujabbarova Z.R. The organization of teaching English literature in college // Олмоншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари: Тўплам. – Тошкент: ТДПУ, 2011. – Б.18-20.
16. Бўтаева Д., Абдужаббарова З.Р. Таржима дарсларида матн устида ишлаш // Олмоншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари: Тўплам. – Тошкент: ТДПУ, 2011. – Б. 84-86.
17. Назаров К.Н., Жўраев А.А., Вохидов Э., Абдужаббарова З.Р. Матн таржимаси масалалари хусусида // Олмоншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари: Тўплам. – Тошкент: ТДПУ, 2011. – Б. 227-228.
18. Абдужаббарова З.Р. Чет тил ўқитища матн мазмунини тушуниш жараёни // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б.101-103.
19. Абдужаббарова З.Р. Изучение иностранного языка с помощью дополнительных текстов // Высшее образование сегодня. – Москва, 2011. – № 6. – С. 17-20.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор З.Р. Абдужаббарованинг 13.00.05 – Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (инглиз тили) ихтинослиги бўйича “Касб-хунар коллажлари ўқувчиларига инглиз тилида қўшимча матнлар ўқитиш технологияси” мавзуусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** касб-хунар коллажи, қўшимча матн, соҳавий матн, нутқ кўнкма ва малакалари, педагогик технология, аутентик матн.

**Тадқиқот обьекти:** касб-хунар коллажлари шароитида ўқувчиларга инглиз тилини ўргатиш жараёни.

**Тадқиқотнинг мақсади:** касб-хунар коллажи ўқувчиларининг инглиз тилида қўшимча матнлар ўқиши малакаларини шакллантириш орқали бўлажак кичик мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини кўтаришни назарий ва экспериментал асослаб бериш.

**Тадқиқот методлари:** таълим-тарбия жараёнини кузатиш; тадқиқот соҳасига оид адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; сўровнома ўтказиш; тажриба-синов; математик-статистик таҳлил.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Ўқувчиларга қўшимча матн ўқитиш лингводидактик илмий муаммо сифатида назарий жиҳатдан ва экспериментал тарзда асослаб берилди; КҲҚ ўқувчиларига қўшимча матн ўқитишнинг ҳозирги аҳволи ўрганилди ва таҳлил қилинди ҳамда матлуб мазмуни аниқланди; КҲҚ ўқувчилари учун мўлжалланган қўшимча матнлар (“Supplementary reader”) методик қўлланмаси яратилди; ўқувчиларга қўшимча аутентик (танланган) ва адаптация қилинган (тузилган) соҳавий матнлар ўқитиш технологияси ишлаб чиқилди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот натижалари касб-хунар коллажларида инглиз тили ўқитиш методикасини яратишида, чет тиллар бўйича ўкув дастурлари, қўлланмана ва дарсликлар яратиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб боришида назарий асос бўлиб хизмат қиласди.

**Татбиқ этилиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллажи, Тошкент маданият коллажи, Хамза номидаги республика мусиқа коллажи, Термиз ва Гулистон санъат коллажларида инглиз тили ўқитиш жараёнида тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Тадқиқот мазмуни халқаро, республика ва олий ўкув юртлариаро илмий конференциялардаги маърузаларда баён этилган. Натижалар чоп этилган 19 номдаги илмий ишларда ўз аксини топган.

**Кўлланилиш соҳаси:** тадқиқот материалидан касб-хунар коллажлари, академик лицейлар, ўрта умумтаълим мактаблари, лисоний ва нолисоний олий ўкув юртларида фойдаланиш мумкин.

## **РЕЗЮМЕ**

диссертации З.Р. Абдулжаббаровой на тему «Технология обучения чтению дополнительных текстов на английском языке учащихся профессиональных колледжей» на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.05 – Методика обучения общественно-гуманитарным наукам (английский язык)

**Ключевые слова:** профессиональный колледж, дополнительный текст, отраслевой текст, речевые навыки и умения, педагогическая технология, аутентичный текст.

**Объект исследования:** процесс обучения английскому языку учащихся в условиях профессиональных колледжей.

**Цель исследования:** теоретическое и экспериментальное обоснование повышения качества профессиональной подготовки будущих младших специалистов – учащихся профессиональных колледжей путем формирования у них умений чтения дополнительных текстов на английском языке.

**Методы исследования:** наблюдение за образовательно-воспитательным процессом; изучение и анализ литературы по теме исследования; опрос; эксперимент, математико-статистический анализ.

**Полученные результаты и их новизна:** обучение учащихся чтению дополнительных текстов теоретически и экспериментально было обосновано как лингводидактическая научная проблема; изучено и проанализировано современное состояние, а так же требуемое содержание обучения учащихся профессиональных колледжей чтению дополнительного текста; для учащихся профессиональных колледжей создано методическое пособие (“Supplementary reader”) и разработана технология чтения аутентичных и адаптированных отраслевых текстов.

**Практическая значимость:** результаты исследования могут быть использованы при создании методики обучения английскому языку в профессиональных колледжах, при составлении учебных программ, пособий и учебников по иностранным языкам, а также могут служить теоретической базой в процессе проведения научных исследований.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты исследования внедрены в процесс обучения английскому языку в педагогическом колледже имени Юнуса Раджаби города Ташкента, Ташкентском колледже культуры, Республиканском музыкальном колледже имени Хамзы, Термезском и Гулистанском колледжах искусства. Содержание исследования освещено в докладах на международных, республиканских и межвузовских научных конференциях и отражено в опубликованных научных работах (19 названий).

**Область применения:** материалы исследования могут быть применены в профессиональных колледжах, академических лицеях, средних общеобразовательных школах и в языковых и неязыковых вузах.

## RESUME

Thesis of Z.R. Abdujabbarova on the scientific degree competition of the candidate of pedagogical sciences on speciality 13.00.05 – Methodology of teaching social subjects and humanities (the English language) on the theme “Technology of teaching English supplementary texts to students of professional colleges”

**Key words:** professional college, supplementary text, special text, language habits and skills, pedagogical technology, authentic text.

**Subject of research:** the process of teaching the English language at professional colleges.

**Purpose of work:** theoretical and experimental grounding the quality of future junior specialists' professional training by developing their skills while reading supplementary English texts.

**Methods of research:** observation of education process; studying and analyzing the special literature; questionnaire; experiment; mathematical-statistic analysis.

**The results obtained and their novelty:** supplementary reading texts for students was investigated as a linguodidactic, scientific problem on theoretical and experimental way; real conditions and content of teaching supplementary reading texts by the professional college students were studied and analyzed, required content revealed; methodic text book “Supplementary reader” were created for students of professional colleges; technology of teaching English supplementary authentic and adapted text were worked out.

**Practical value:** achieved results can be used in developing methods of teaching English at professional colleges, in making educational syllabus, teaching supplies and foreign language textbooks, and can be used as theoretical basis in the process of carrying out scientific research.

**Degree of embed and economic effectivity:** adapted to the process of teaching English at pedagogical college named after Yunus Rajabi in Tashkent, Tashkent college of culture and Republican college of music named after Khamza, Termiz and Gulistan colleges of art. The content of research has been discussed at the international, republican and interuniversity scientific conferences. Research results have been published as 19 scientific works.

**Field of application:** research material can be applied at professional colleges, academic lyceums, secondary schools, linguistic and non-linguistic higher education institutions.

Босишга рухсат этилди: 15.06.2012.  
Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . Ҳажми 1,6 б.т.  
Адади 100 нусха. Буюртма № 41.  
“BAYOZ” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.  
100100, Тошкент ш. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

